


Жаҳонлик СУЗВИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси 21 декабрь, чоршанба, 1994 йил Сотувда эркин нархда. № 248 (996)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ЗУФАРОВ олган сураат (ЎЗА).

20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов БМТ Бош қотибининг Тожикистондаги махсус вакили Рамиро Пирис Баллонни қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида қўшни Тожикистон Республикасидаги аҳвол, Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги кескин вазият ҳамда Марказий

Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида халқаро ташкилотлар билан қилинаётган ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди. Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов қатнашди.

(ЎЗА).

БУГУН БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АЛЕКСАНДР ЛУКАШЕНКО МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ САФАР БИЛАН КЕЛАДИ ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ МЕҲМОН! САРДЭЧНА ЗАПРАШАЕМ, СПАДАР ПРЭЗІДЕНТ РЭСПУБЛІКІ БЕЛАРУСЬ!

Расмий таширф муносабати билан

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АЛЕКСАНДР ГРИГОРЬЕВИЧ ЛУКАШЕНКО

1954 йил 30 августда Могилёв вилоятида (Беларусь Республикаси) туғилган. Могилёв педагогика институтини тугатиб (1975 й.), тарих ва жамиятшунослик ўқувчиси мутахассислигини ва Беларуссия қишлоқ хўжалик академиясини тугатиб (1985 й.), агроносотиш ишлаб чиқариши соҳасида иқтисодчи мутахассислигини олган. 1982 йилдан бошлаб Мо-



гилёв вилояти Шклов туманидаги «Ударник» жамоа

хўжалиги раисининг ўринбосари, курлиш материаллари комбинати директорининг ўринбосари, Ленин номи жамоа хўжалиги партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлаган. 1987 йилдан бошлаб Могилёв вилояти Шклов туманидаги «Городец» давлат хўжалигининг директори бўлиб ишлаган. 1990 йилда БССР Олий Кенгаши депутатлигига

сайланган. 1993 йилда Олий Кенгаши топирифтаги бионон коррупцияга қарши кураш бўйича парламент комиссиясини бошқарган. 1994 йил 10 июлда Беларусь Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланган. Уйланган, икки фарзанди бор. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўбаси.

• 25 декабрь — сайловлар куни

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Бердах номидаги Нукус давлат университетининг маданият саройида 238-Университет сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиядан номзод -- Қорақалпоғистон Республикаси кардиология маркази бош шифокорининг ўринбосари Таскинбике Абдижамалова, «Ватан тараққиёти» партияси номзоди -- «Қорақалпоқфильм» киностудияси директори Торенияз Калимбетов, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашидан номзод -- Қорақалпоғистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази раиси Иброҳим Юсуфов билан сайловчиларнинг учрашуви бўлди.

Ишончли вакиллар номзодлар тўғрисида атрофича сўзлаб бердилар. Номзодлар сайловчи режалари билан таништирилди. Сўзга чиққанлар сайловчиларни мамлакатимиз тарихида биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтадиган сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишга, энг муносиблар учун овоз беришга чақирди.

247-Шуманай сайлов округи сайловчиларининг номзодлар билан учрашуви бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашидан номзод -- Экспериментал ва клиник тиббиёти илмий-тектириш институтининг директори Чаржау Абдиқиров ва Ўзбекистон Халқ демократик партиядан номзоди -- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими биологика институтининг директори Амин Бахияевнинг ишончли вакиллари билан учрашди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг янги парламентида бўладиган сайловнинг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, сайловчиларни бу муҳим

НАВОИЙ

81-Томди сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиядан номзод -- ЎзХДП Учқудук туман кенгаши биринчи котиби Молдабек Сейтназаров Учқудук туманидаги «Дўстлик» ва «Авангард» жамоа хўжаликларида ўз сайловчилари билан учрашди. Олий Мажлис депутатлигига номзоднинг ишончли вакили унинг таржимаи холи ҳақида сўзлаб берган, депутатликка номзод сайловчиларни ўз режалари билан таништирди. Учрашувда сўзга чиққан сайловчилар бўлажак сайловда номзодга омад тилашди.

САМАРҚАНД

128-Қўшработ сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашидан номзод -- Ўзбекистон акционерлик тижорат дехқончилик саноат банки бошқаруви раиси Абдурабоб Аҳадов, Ўзбекистон Халқ демократик партиядан номзод -- туман марказий касалхонаси шифокори Анвар Сувонов билан сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари улар ҳақида батафсил сўзлаб бердилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«Сафар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мажлислар залида 29-Бошлиқ сайлов округи сайловчиларининг Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига «Ватан тараққиёти» партиядан номзод -- Давлат телерадиокомпанияси миллий эстрада оркестри бадий раҳбари Аноркул Назаров ва Ўзбекистон Халқ демократик партиядан номзод -- Ўзбекистон Халқ демократик партиядан Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Гуломов билан учрашуви бўлиб ўтди.

ЖИЗЗАХ

75-Фориш сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод -- касаба уюшмалари Жиззах вилояти кенгаши раиси Исрол Хушиев билан сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтаётди. Яқинда тумандаги М. Оролов номи ижара ширкатлар бирлашмасида бўлган сайловчи йиғилишида халқ депутатлари вилоят кенгашидан номзод И. Хушиев ўз режалари ҳақида гапирди.

СУРХОНДАРЕ

147-Хазорбоғ сайлов округи сайловчилари Олий Мажлис депутатлигига ЎзХДПдан номзод -- Денов тумани «Хазорбоғ» жамоа хўжалиги раиси Жавли Дониёров ҳамда вилоят кенгашидан номзод -- Денов тумани хохими Тилла Меглиев билан Хайробоғ пахта тозалаш заводи клубида сайловчи учрашуви бўлиб ўтди. Ишончли вакиллари улар ҳақида батафсил сўзлаб бердилар.

СИЁСИЙ ТАДБИРНИ ЭЪРО УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЮСАК САВИЯДА ЎТҚАЗИШ ВА МУНОСИБ НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРИШГА ЧАҚИРДИЛАР.

АНДИЖОН

Булоқбоши туманидаги Жўраполвон Ғойибов номи жамоа хўжалигида 43-Булоқбоши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашидан номзод -- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши котибияти юридик бўлимининг мудир Ибраҳимов Ибраҳимов ва Ўзбекистон Халқ демократик партиядан номзоди -- Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Исидор Кочмаркиннинг ишончли вакиллари сайловчиларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти тўғрисида гапирдилар. Номзодлар сайловчиларнинг саволларига жавоб беришди.

ТАШИРФ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов билан мамлакатимизга расмий сафар билан келадиган Беларуссия Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенко билан учрашуви бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ТЕРИ ХОМАШЁСИНИ РЕСПУБЛИКАДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШНИ ТАҚИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика корхоналарини тери хомашёси билан таъминлаш мақсадида: 1. Экспорт қилиш (жумладан МДХ мамлакатларига олиб чиқиб кетиш) тақиқланган, 1994 йил 21 январда 745-сон Фармон билан тасдиқланган (6-илова) буюмлар ва маҳсулотлар рўйхатида «тери хомашёси (ностандартидан ташқари)» маҳсулот тури кiritилсин.

2. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирилик, Ўзбекистон давлат қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар маъмурларига 14-конференцияси бўлиб ўтди. Унда касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Э. Ражабов кенгашининг ўтган беш йиллик давридаги фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги 558-сон қарорининг 1-иловасидаги 10-банд иловасида мувофиқ таҳрирда баён этилсин. 4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1994 йил 20 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 декабрдаги 1023-сон Фармонига ИЛОВА

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирилик томонидан бериладиган лицензиялар бўйича белгиланган квоталар ҳажмида экспорт қилинадиган моллар рўйхати

№	маҳсулот номи	тиф	тн	коди
---	---------------	-----	----	------

«10. Тери (ностандартидан ташқари)

410420000	410620000
410800000	410900000

• **Хабарлар оқимидан**

КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

ҚАРШИ шаҳрида касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят ташкилотининг уюшмаларига 14-конференцияси бўлиб ўтди. Унда касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Э. Ражабов кенгашининг ўтган беш йиллик давридаги фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

НЕМИС САНЪАТКОРЛАРИ КОНЦЕРТИ

ТОШКЕНТдаги «Туркистон» саройида Германиянинг «Драмагоид» рок гуруҳи концерт берди. Мазкур тадбирни Германиянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси уюштирди. Ўзбекистонлик мусиқа ишайдочилари турли тилларда тайёрланган қизқарлар концерт дастури билан танишди.

ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ФАРФОНА давлат дарилфунунига Тошкент тиббиёт олий ўқув юрлари олимлари, тиббиёт мутахассислари келди. Улар бир вақтда мобайнида дарилфунуни тиббиёт профилактика иши ва «Тиббиёт -- му-

БИРЖА ХОДИМЛАРИ ЎҚУВИ

ЖИЗЗАХ шаҳрида Сирдарё ва Жиззах вилоятлари туман ва шаҳар меҳнат биржалари ходимларининг икки ҳафталик ўқуви бўлди. Ўқув қатнашчилари ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли банд-

Конференцияда касаба уюшмалари вилоят кенгашининг янги таркиби тасдиқланди. Виолат кенгашининг биринчи пленумида Эсонбой Ражабов яна вилоят кенгашининг раиси этиб сайланди.

лари турли тилларда тайёрланган қизқарлар концерт дастури билан танишди. Концернда Германиянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонада ва музтор элчиси Карл Хайнц Куна ҳозир бўлди.

хандислик» йўналишлари бўйича сабоқ олаётган талабаларга тиббиёт фанининг назик ва мураккаб йўналишлари бўйича маърузалар ўқийди, ўқув-тарбия ишларига кўмаклашади.

лиги ва ижтимоий муҳофазаси муаммолари, уларни ҳал қилиш йўллари оид масалаларни урганалар, ўзаро тажриба алмашадилар.

Ўқувчилар миннатдор

ФИЖДУВОН тумани ҳокимлиги хайрли тадбирга қўл урди. Тумандаги 50 та умумтаълим мактабида сабоқ олаётган ўқувчиларнинг ижтимоий аҳоли сиқиқлаб урга-

(ЎЗА).

